



Имконияти Чекланган Болаларда Ўйинлар Орқали Ижтимоий Кўникмаларни Шакллантириш

С. В. Йўлдошев, Ph.D

Ўзбекистон ФарДУ

Ш. Исманов

Ўзбекистон ФарДУ магистрант

Аннотация: Мазкур мақолада имконияти чекланган болаларда ўйинлар орқали ижтимоий кўникмаларни шакллантиришга ёрдам берадиган ўйинлар ва уларнинг давлат муассасаларидаги тарбиячи - ўқитувчиларга фойдаланиш учун тавсиялар педагогик таҳлил асосида ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Имконияти чекланган, ижтимоий кўникма, ижтимоий, маънавий, “Оила кодекси”, “Меҳнат кодекси”, этнопедагогика, миллий-умуминсоний қадрият, ижтимоий - психологик, чақирган ким, ҳиссиётлар, ўйинчоқлар, ролли ижро, “кўғирчоқ”, тиришқоқ “Хола-хола”, ақлий, ахлоқий, меҳнат, эстетик ва жисмоний тарбия.

Бугунги кунда соғлом авлодни шакллантириш энг муҳим вазифалардан биридир. Бунга энг аввало соғлом турмуш тарзини шакллантириш, турли маиший шарт-шароитларни яратиш, соғлом авлодни тарбиялашнинг моддий асосини белгилаш, яъни давлат томонидан иқтисодий ва молиявий қўллаб-қувватлаш киради. Имконияти чекланган болаларда ижтимоий кўникмаларни, ижтимоий ва маънавий тарбияни шакллантириш, соғлом турмуш тарзига интилишларини мустаҳкамлаш борасида юртимизда муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида имкониятлари чекланган шахслар учун ижтимоий ҳимоя, ижтимоий кўникмаларини шакллантириш борасида давлат сиёсатида молик муаммонинг ижтимоий-ҳуқуқий негизи яратилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги, “Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида”ги, “Ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш тўғрисида”ги қарорлари, “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги, “Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунлар, “Оила кодекси”, “Меҳнат кодекси”, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни турар жойлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “Таълим муассасаларида ўқувчиларнинг соғлом овқатланиши учун шарт-шароитларни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, “Имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-хунар коллежлари тўғрисида”ги Низом, “16 ёшгача бўлган болаларга ногиронликни тайинлаш тартиби тўғрисида”ги Низом ҳамда ҳукуматнинг шу масалага оид қатор қарор ва фармойишлари қабул қилинди ва амалиётга киритилди.

Мазкур Қонун ва қонуности ҳужжатлар;

- ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларни рўёбга чиқариш;
- соғлом турмуш маданиятини шакллантириш;
- уларни ижтимоий муҳофазалашнинг қатъий тизимини яратиш;
- ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, манфаатларини янада кенгроқ рўёбга чиқаришни таъминлаш;
- ногиронларни тўлақонли ҳаёт кечиришларига, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий турмушида фаол қатнашишлари учун шарт-шароитлар ва имкониятлар яратиш;
- болалиқдан ногирон ёки ҳаётда ортирилган жароҳатлар натижасида ёрдамга муҳтож бўлган ёшларга тиббий ёрдам кўрсатиш орқали ёшлар соғлом турмуш маданиятини шакллантириш.

Ушбу масалалар ёшлар соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг муҳим йўналишлари ҳисобланиб, уларнинг илмий-назарий асослари педагог, психолог, тарихчи, ҳуқуқшунос, биолог, физиолог, сиёсатшунос, тиббиётчи олимлар томонидан тадқиқ этилишни тақозо этади. Шунингдек, мазкур муаммо аввало шахс такомилида соғлом тафаккурнинг соғлом турмуш тарзи ва соғлом турмуш маданиятига асос бўлишини, ёш авлоднинг маънавий тарбиясига янгича қараш, уни бугунги кун нуқтаи назаридан ўрганиш, баҳолаш ва унда халқимизнинг бой маданий меросидан мақсадли фойдаланишни талаб этмоқда.

Ўйинлардаги миллий қадриятлар, инсоний туйғулар, табиат ва инсонга муҳаббат, аждодлар анъанасига садоқат уларнинг маънавий қудратга эга эканлигини кўрсатади. Ўйинлар ўз ўзидан пайдо бўлавермайди. Улар халқ ижодининг маҳсули бўлиб, инсонларнинг оламда ўз мавқе ва ўрнини билиши, гўзал ҳаёт барпо эта олиши халқ ўйинларининг этнографик элементлари кўринишида намоён бўлади. Халқ ўйинлари миллий ва маънавий қадриятларни асраб-авайлашнинг энг анъанавий таркибий қисмидир. Шунингдек, болалар ўйинларидаги уйғунлиги, атроф-муҳитга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш тарбиянинг муҳим омили эканлигини таъкидлаш ўринлидир.

Ўйинлар жараёнида болалардан ақл-заковат, моҳирлик, тадбиркорлик, эпчиллик ва чаққонлик, жасурлик ва шижоат, ҳушёрлик ва фавқулудда қайи қарорга кела олиш каби сифатлар талаб қилинади. Болаларда у ёки бу ўйинда иштирок этишда ихтиёрийлик принципига амал қилинади. Тарбия беришнинг синф, аудитория каби анъанавий методларидан ўйин майдонига олиб чиқилади. Ўйин орқали ўқувчиларда маънавий ва жисмоний сифатлар шаклланади.

Биз қуйида имконияти чекланган болалар учун тавсия этиладиган ўйинларни гуруҳларга ажратиб, ўғил ва қиз болалар алоҳида ҳамда биргаликда ўйнаши мумкин бўлган айрим ўйинларнинг тартиби ва амалга ошириш усулларини тавсия этмоқчимиз.

“Кўчмак” ўйини - бу ўйинни юриш имконияти чекланган икки бола ўйнайди. Улар бирорта текисроқ жойни танлашиб, бир-бирларига рўпарама-рўпара бўлиб ўтиришади. Ҳар бир бола ўз олдида катталиги пиёладек келадиган бешта чуқурчани қовлайди. Ҳар битта чуқурчага бештадан тош ташлаб чиқилади. Бу тошчалар “қўйлар” деб аталади. Ҳар бир ўйинчида ана шундай тошчалардан йигирма беш донадан бўлади.

Ўйинни ким бошлаши кераклиги қуйидагича аниқланади: ўйинчилардан бири қўлига тош яширади. Иккинчи ўйинчи ана у яширинган тош рақибининг қайси қўлида эканлигини топиши керак. Кимда ким шу тошни топа олса, ўша ўйинни бошлаш ҳуқуқини қўлга киритади.

Бошловчи ўзининг чуқурчасининг биридан бешта тошни қўлига олади-да, навбати билан бошқа чуқурчаларига биттадан ташлаб чиқади. Охириги тошни чуқурчага ташлагач, ундан кейинги чуқурчадан тош олади-да, яна шу ыаракатни қатаради. Ўйин бошида бир чуқурчадан тошлар олинган эди. Навбати келганда ўша чуқурчага ҳам тош ташлаб ўтилади. Ўз тарафида бўшаб қолган чуқурчага ҳам тош ташлаб ўтаверади. Ўз тарафида бўшаб қолган чуқурчадан қайси

бирида тўртта тош йиғилса, “туғди” дейилади ва ўша тошларни тарқатаётган одам ўз олдига олиб қўйиш керак.

Агар шундай қилиш эсидан чиқиб қолса, иккинчи ўйинчи дарҳол “куйди” дейиши керак. Шундай бўлса-да, ўйинни бошлаган иштирокчи ўйинни давом эттириш ҳуқуқини ўз қўлида сақлаб қолади. Фақат ҳалиги чуқурчада тўртта бўлиб йиғилиб қолган тошчаларни ўз олдига олиб қўйишга энди ҳаққи бўлмайди. У қўлидаги тошчаларнинг энг охиргисини чуқурчага ташлаганидан кейин навбатдаги чуқурчага қарайди. Агар унда бирорта ҳам тош бўлмаса, яъни чуқурча бўш қолган бўлса, қўлини чуқурчага тикади-да, “ялади” дейди. Шундан кейинги чуқурчалардаги тошларнинг ҳам барини ўз “хазинасига” олади.

Шундан кейин иккинчи ўйинчи ўз чуқурчаларидан бириндан тош олиб, юқорида тавсиф қилинган тартибда ўйинни давом эттиради. Шу тариқа, иштирокчилар бирин-кетин “туғди” ва “ялади” деб кейинги чуқурчалардаги тошчаларнинг барини ўз хазинасига олишга ҳаракат қиладилар.

Чуқурчадаги тошчалар қолмагач, улар олдиларидаги беш чуқурчага тошчаларни бешта-бештадан қилиб солиб чиқадилар. Қайси ўйинчи хазинасида тўпланган тош камроқ бўлса, дейлик, тошчалар тарқатилаётган чуқурчалардан бирида тўрт дона тош тушган бўлса, ўша чуқурча ёпиб қўйилади. Табиийки, рақибининг тошчалари ортиқ чиққан бўлади. Ўйиннинг кейинги босқичини хазинасида тоши кўп бўлган иштирокчи бошлаб беради.

Хуллас, ўйиннинг биринчи босқичидаги каби иккинчи босқичда ҳам давом эттирилади чуқурчалар битта-битта “ёпилиб”, ортиқча тошчалар ғолиб тарафнинг хазинасига йиғиб қўйилаверади. Барча чуқурчалари ёпилиб, тоши кам қолган ўйинчи ютқазган ҳисобланади.”

Хола-хола” ўйини – асосан имконияти чекланган қиз болалар иштирокида бўлиб, хонадонда ишлатиладиган уй рўзғор буюмлари асосида меҳмон кутиш, уй жиҳозлаш, дастурхон тузаш, турмуш ўртоғини кутиб олиш каби жараёнларни ўз ичига олган бўлиб, болаларни ёшлик чоғиданок, меҳмон кутиш ва кузатиш, дастурхон тузаш одобига оид кўникмалар, ижобий хислатлар шаклланишига ёрдам беради. Шунингдек, у боланинг жамоа ичида ўзини тутиши, бошқаришига ижобий таъсир қилади.

Ўйин асосан кунлар иссиқ бўлган баҳор ва ёз кунларида соя-салқин жойларда ўт-ўланлардан, лойдан фойдаланилган ҳолда, уй-рўзғор буюмларини ясаб (лойдан ёки маълим бир предметдан чойнак, пиёла, тарелка, нон, қанд-курс ва ҳақозалар) меҳмон кутиш ўйини ҳисобланади.

Чақирган ким

Мақсад: кўзи ожиз болаларда ўзини ҳурмат қилишни шакллантириш.

Бир бола гуруҳта тес қари ўгирилиб туради - у ўрмонда адашиб қолган. Қолган болалар эса навбат билан уни "Эй!" - деб чақирадилар. "Адашиб қолган" бола уни ким чақирганлигини ва ким у ҳаққа қайғураётганлигини топиши керак.

Ҳиссиётларингни тилинг билан ифодала

Мақсад: гапириш имконияти чекланган болаларда топқирликни шакллантириш, ҳиссий ҳолатларни ифодалашни ривожлантириш. Бошловчи болалардан тилларини чиқаришларини ва унинг хурсандлигини, ғазабини ва кўрқатганлигини барчага ифодалаб кўрсатишларини сўрайди.

Бу уйчада ким яшайди

Мақсад: болаларда ўзига нисбатан ҳурмат ҳиссини шакллантириш.

Болалар қўлларини бошининг юқорисида учбурчак шаклидаги том қилиб - уйчага ўхшаб турадилар. Бошловчи "ҳар бир уйчани тақиллатиб", "Бу уйчада ким яшайди?" - деб сўрайди. Уйчадаги бола ўз исмини айтади. Сўнгра бошловчи ҳар бир боладан: "Энг яхши кўрган нарсанг

нима?", "Энг катта ютуғинг нима?" ва ҳ. к. кабиларни сўрайди. Улар эса саволларга жавоб берадилар.

Ҳиссиётингни қўлларинг бидан ифодала

Мақсад: болаларда топқирликни шакллантириш, ҳис-туйғуларини ифодалашни ривожлантириш.

Бошловчи болаларга қўллари орқали ҳиссиётларини (хурсандчилик, кўркув, ғазаб ва ҳоказоларни) ифодалашларини таклиф этади, Сўнгра бошловчи ифодалашлари керак бўлган ҳиссиётларни айтиб, ҳаракатлар намунасини кўрсатиб беради. Қувонч ҳиссини қўлларини столда сакратиб, ғазаб ҳиссини бармоқлар бир-бирини туртиб, сиқаётганлиги орқали, кўркувни бармоқларни қалтиратиб ва мушт тугиб ифодалайдилар.

Меҳмонлар совғаси

Мақсад: болаларга ўзларини намоён қилишни ўргатиш.

Бошловчи ерга 3-4 та катта ўйинчоқларни қўяди. Бир боланинг кўзи боғланади. Меҳмонлар унга қандай ўйинчоқ совға қилганликларини қўли билан пайпаслаб топиши керак. Кичик ёшдаги болаларга ўйинчоқни ўйиндан аввал кўрсатиш шарт. Каттароқ ёшдаги болалар ўйинчоқларни пайпаслаш орқали номини топадилар.

Ўйинчоқлар дўкони

Мақсад: болаларга ўзларини намоён қилишни ўргатиш.

Бошловчи гуруҳдан бир неча болани танлаб олади ва уларни ўйинчоқларга (машина, кўғирчоқ, копток, аравача ва ҳ.к.-) "айлантиради". Шу билан бирга бошловчи ҳар бир болага секингина қайси ўйинчоқ эканлигини айтади. Ўйинчоқларга "айланган" болалар уни тасвирлаб берадилар, қолган болалар эса қайси ўйинчоқ эканлигини топишлари керак. Илғор гуруҳ болаларидан эса ўйинчоқларни эмас, балки улар билан боғлиқ қандайдир ҳаракатларни (кўғирчоқни эркалаш, машинани юргизиш ва ҳ.к.) тасвирлаб беришларини сўраш мумкин.

Исмингни шивирлаган шаббода

Мақсад: болаларда ўзига булган ҳурматни ривожлантириш.

Бошловчи шаббода болалар билан дўстлашмоқчи эканлигини айтади. У бирор боланинг исмини атайди. Болалар биргаликда унинг исмини шаббодага ўхшаб секингина: "Ни-го-ра-а, шув-шув-шув" - деб чақирадилар. Сўнгра болалар уларни ёмғир ёки йўлдаги тошлар қандай чақирishi мумкинлигини ҳам ўйлаб топадилар.

Ролли ижро машқи

Мақсад: болаларнинг ролли ижро малакаларини ва репертуарларини кенгайтириш. Болаларнинг топқирлигини ошириш, зўриқишни енгиллаштириш.

1-вариант. Болалар эртак ва фильмдаги турли кўрқинчли қаҳрамонлар (бўри, Годзилла, аждарҳо)ни тасвирлаб беришни ўрганадилар. Аввалига болалар уларни мустақил ифодалаб беришга қийиналадилар, енгиллик яратиш мақсадида эртак қаҳрамонларининг расмини кўрсатиб, болалардан уларнинг ҳолатини (ҳаракатлар, овоз, тана ва ҳ.к.лар ёрдамида) ифодалаб бериш сўралади. Бир-икки машқдан сўнг болалар қаҳрамонларни мустақил равишда ўйлаб топадилар ва тасвирлайдилар. Қолган болалар эса тасвирланаётган қаҳрамонни топишга ҳаракат қиладилар. Тарбиячи болалардан тасвирлаётган қаҳрамонларининг ғазабини намоён этишларини, масалан, овоз чиқариб, "Ҳозир мен сизларни ейман!" каби сўзларни айтишлари кераклигини тушунтиради.

2-вариант. Болалар навбати билан турли ҳайвонлар характерини қарама- қарши хусусиятлар орқали ифодалаб беришлари керак. Масалан, катта бўлса-да (кўрқоқ бургут, куёнюрак шер) ёки кичик бўлсада ботир (довюрак сичқонча, кўркмас чумчуқ).

Ажойиб кўғирчоқ

Мақсад: болаларда ижобий "Мен" образини ривожлантиришга кўмаклашиш. Бу ўйинда тарбиячи боладан ажойиб кўғирчоқ ясайди. Бунинг учун бола матрасга ётади (ёки тарбиячининг столига) ва хамирга айланади. Биринчи бўлиб тарбиячи "хамирни аралаштириб" - боланинг танасини силайди, сўнгра у хамирга ҳар хил (боланинг хоҳишига кўра) феъл-атвор ва сифатларни қўшади, яъни чирой, ақл, яхши дўстлар ва ҳ.к. Шундан сўнг у "кўғирчоқ"нинг бошини, танасини, оёқларини, қўлларини ясайди. Булар қуйдагича амалга оширилади: "Қўллари жуда чиройли, боши ундан ҳам зўр!" ясалди. "Кўғирчоқ" тайёр бўлганда, тарбиячи уни жонлантириш мақсадида "Кўғирчоқ жонлан!", - дейди. Сўнгра тарбиячи болага кўзгуга қараб, қандай ажойиб кўғирчоқ тайёр бўлганлигини кўришини таклиф этади.

Бу машғулотни гуруҳда ўтказиш ҳам мумкин. Бунда фақатгина тарбиячи эмас, балки бошқа болалар ҳам иштирок этадилар.

Мен жуда яхшиман

Мақсад: болаларни ўз қадрини оширишга ўргатиши. Бошловчи айтган бир неча сўзларни болалар кета-кет такрорлашларини таклиф этади. Ҳар сафар бошловчи сўзларни турли хил оҳангда, яъни пичирлаб, баланд, жудаям баланд овозда айтади. Шу тариқа ҳамма болалар биринчи бўлиб "Мен" сўнгра "жудаям", кейин "яхшиман", - деб айтадилар.

Айиқчага эзгу сўзларни айт

Мақсад: болаларни ўз қадрини оширишга ўргатиш. Болалар коптокни бир-бирларига узатиб, одамлардаги инсоний фазилатларни эсга оладилар. Сўнгра бошловчи ўйинга ўйинчоқ айиқчани "таклиф этади". Болалар унга қуйидаги эзгу сўзларни айтадилар: "Сен - (яхшисан, қувноқсан, тиришқоқсан)". Сўнгра навбати билан ҳар бир бола "айиқчага айланади" (ўйинчоқ қўлда ушлаб турилади), қолган болалар эса айиқча ролидаги болага эзгу сўзларни айтадилар.

Хулоса қилиб айтганда болаларнинг баркамол бўлиб вояга етишлари учун хизмат қиладиган ўйинлар ёш авлодда, аввало, миллатига бўлган ҳурмати, ота-боболардан қолган бой меросга нисбатан садоқатни оширади. Бундан ташқари ўғил-қизда жамоа бўлиб ишлаш малакаси, ҳалоллик, менатсеварлик, бурч ва маъсулиятни ҳис қилиш, ўз ўрнида ақл билан иш тутиш, аниқлик каби хусусиятлари шаклланади. Болаларча беғубор рақобатга бардош беришга интиланган ўғил ёки қиз келажакда ҳаёт қийинчиликларини, албатта, енгиб ўтади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Алпомиш Ўйинлари (Халқ Ўйинлари Ва Миллий Спорт Турларини Ривожлантириш Муаммолари./Илмий Амалий Анжумани Материаллари.-Термиз.1998.-109 Б.
2. Alimova, N., & Suyarkulova, G. (2022). Reviews On The History Of Light Industrial Enterprises In Uzbekistan. *Gospodarka I Innowacje.*, 22, 639-642.
3. Исҳоқов Б.Б. Болалар Ўйинларининг Этнографик Хусусиятлари // Ўзбекистон Этнологиясининг Долзарб Муаммолари. Тошкент-Наманган, 2007. – Б. 249.
4. Usarov, U. A., & Alimova, N. O. (2021). Agricultural And Watering System Of Samarkand In The Second Half Of The Xix Century And The Early Xx Century. *Current Research Journal Of History (2767-472x)*, 2(07), 9-14.
5. Bahridin, U. (2019). Ferghana In The Period Of Amir Timur's Struggle For Power (1360-1370). *International Journal Of Innovative Technology And Exploring Engineering*, 9(1), 3180-3187.
6. Usmonov, B. A. (2020). On The Dates Of The Military Clashes Between Sultan Ahmad Mirza And Umarshaikh Mirza. *Asian Journal Of Multidimensional Research (Ajmr)*, 9(5), 397-404.
7. Usmonov, B. A. (2020). Some Comments On The Cultural Life Of Fergana During The Reign Of Amirtemur And The Temurids. *Asian Journal Of Multidimensional Research (Ajmr)*, 9(11), 22-28.

8. Usmonov, B. A. (2021). A Study Of Political Processes In The Fergana Valley In 1371-1376. *Design Engineering*, 6174-6187.
Akhmedovich, U. B. About The Date Of The First And Second Mongolian Walks Of Amir Timur.
Akhmedovich, U. B. About The Date Of The First And Second Mongolian Walks Of Amir Timur.
9. Usmonov, B. (2019). Horticulture In Fergana In The Temurid's Period. *Scientific Journal Of The Fergana State University*, 2(4), 73-75.
Usmonov, B. (2019). Sultan Abusaid Mirza And Yunus Khan. *Science And Education*, 2(10), 5.
10. Usmonov, B. (2018). The Adylshah Jalayir Revolt: Causes, Course And Consequences. *Scientific Journal Of The Fergana State University*, 1(1), 47-50.
11. Усманов, Б. А. (2018). Ферганский Улус В Государстве Амир Темура. *Вестник Муцау*, 28(2), 63-82.
12. Usmonov, B. (2018). The Chukalak Battle. *Scientific Journal Of The Fergana State University*, 1(3), 49-52.
13. Усмонов, Б. Хв Асрнинг 70-Йилларида Фарғона Ферғана В 70-Е Годы Хv Века Ferghana In 70 Years Of Xv Century.
14. Ahmadjonovna, E. T., & Bakhromovich, S. I. (2020). Pedagogical Analysis Of Culturo-Educational Institutions' Actions In Youth Education (On The Example Of Museum Activities). *The American Journal Of Social Science And Education Innovations*, 2(08), 576-582.
15. Egamberdiyeva, T. U. A., & Qurbonov, J. A. (2020). Diagnostics Of Formation And Development Of Intellectual Culture Among Students. *Scientific Bulletin Of Namangan State University*, 2(4), 512-519.
16. Egamberdieva, T. (2021). Mechanisms Of Gender Equality And Differences In The Educational Process.
17. Yuldoshev, S. V. (2021). Pedagogical Analysis And Methodology Of Children's Games. *The American Journal Of Social Science And Education Innovations*, 3(11), 36-40.
18. Valievich, Y. S. (2020). Children's Games As An Important Factor In The Upbringing Of A Harmonious Generation. *European Journal Of Research And Reflection In Educational Sciences Vol*, 8(9).
19. Valiyevich, Y. S., & Azamatjon, O. (2022). Theoretical And Practical Prospects For The Development Of Ethnotourism In Uzbekistan. *European Journal Of Innovation In Nonformal Education*, 2(4), 21-24.
20. Yo'ldashev, S., & Dilshodjon, M. (2022). Ta'lim Tizimida Innovatsion Texnologiyalarining Ahamiyati. *Integration Of Science, Education And Practice. Scientific-Methodical Journal*, 3(6), 427-431.
21. Bekmirzaev, R. B. (2021). Factors Affecting Nation-Building Relationships In Fergana Valley. *Asian Journal Of Multidimensional Research*, 10(11), 122-125.
22. Bekmirzaev, R. B. (2021). Traces Of Archaic Religions In The Modern Way Of Life Of The Peoples Of The Ferghana Valley. *The American Journal Of Social Science And Education Innovations*, 3(11), 41-46.
23. Bekmirzaev, R. B. (2021). Traces Of Archaic Religions In The Modern Way Of Life Of The Peoples Of The Ferghana Valley. *The American Journal Of Social Science And Education Innovations*, 3(11), 41-46.
24. Bekmirzaev, R. B. (2022). Socio-Economic Causes Of Ethnic Conflicts In The Ferghana Valley. *American Journal Of Social Sciences And Humanity Research*, 2(06), 135-138.

25. Bekmirzaev, R. B. (2022). Historical And Political Problems Of The Ferghana Valley. *Asian Journal Of Multidimensional Research*, 11(6), 104-106.
26. Sharafiddinov, A. (2022). History Of The Kokand Khanate In Foreign Studies. *Gospodarka I Innowacje.*, 27, 33-36.
27. Sharafiddinov, A. Два Перевода «Маттео Фальконе». *Молодой Учёный*, 1643.
28. Urmonov U. Role Of Livestock And Livestock Products In Domestic And Foreign Trade Of The Ferghana Valley (Late Xix-Beginning Of Xx Century): <https://doi.org/10.47100/conferences.v1i1.1261>. In *Research Support Center Conferences 2021 Aug 18 (No. 18.05)*.
29. Urmonov, U. (2021, June). Role Of Livestock And Livestock Products In Domestic And Foreign Trade Of The Ferghana Valley (Late Xix-Beginning Of Xx Century). In *Конференции*.
30. Urmonov, U. (2021, August). Role Of Livestock And Livestock Products In Domestic And Foreign Trade Of The Ferghana Valley (Late Xix-Beginning Of Xx Century): <https://doi.org/10.47100/conferences.v1i1.1261>. In *Research Support Center Conferences (No. 18.05)*.